

ТИМЭКТОМИЯДАН УЧ ОЙ ЎТГАЧ, ҚОН ЗАРДОБИДАГИ ИММУНОГЛОБУЛИНЛАР КОНЦЕНТРАЦИЯЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

Игамова О. К.

Урганч Давлат Университети

Иммун тизими учун тимуснинг ўрни катта эканлиги кўрсатиб берилган, аммо иммун тизими кўрсаткичларидаги ўзгаришлар, тимэктомиядан кейинги турли муддатларда улар ўзгаришлари, иммун тизими параметрлари ўзгаришларининг яқин натижалари тўғрисида маълумотлар кам. Шу сабабли ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида тажрибавий тадқиқот ўтказишга қарор қилинди, иммунологик ўзгаришлар динамикада қиёсий ўрганилди.

Материал ва усуллар. Бунинг учун 160-180 гр оғирликдаги 3 ойлик оқ зотсиз каламушлар олинди ($n=35$). Уларни парваришлаш, боқиш, гуруҳларга ажратиш Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал. (2016) услубий қўлланмаларидаги тавсиялар асосида амалга оширилди. Тимэктомия Victoria R. Rendell et al. (2014) бўйича ўтказилди. Барча лаборатория ҳайвонлари 2 та гуруҳга ажратилди - асосий (тимэктомиядан 3 ой кейин, $n=20$) ва назорат ($n=15$) гуруҳлари. Иммун тизими ҳолатини баҳолаш учун лаборатория ҳайвонлари қон зардобидagi IgA, IgM, IgG, IgE, концентрациялари иммунологик усуллар қаторига кирувчи иммунофермент анализ (ИФА) ёрдамида қиёсий ўрганилди. Барча тадқиқотлар рандомизацияланган бўлиб, тажриба гуруҳлари бир бирига репрезентатив бўлди. Маълумотларни статистик ишлаш анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида амалга оширилди. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига амал қилинди.

Олинган натижалар. Агар тимэктомиядан 1 ой ўтгач, IgA нинг қон зардобидagi концентрацияси назорат гуруҳига нисбатан 1,16 мартага ишонарли даражада камайган бўлса, тимэктомиядан 3 ой ўтгач, унинг миқдори $2,12 \pm 0,06$ г/л гача ошиб, назорат гуруҳи параметрларига етди ва ундан ишонарли равишда фарқ қилмади ($P > 0,05$), аммо 1 ойдан кейинги натижадан 1,13 мартагача статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада камайдигани ($P < 0,05$) қайд этилган эди.

Худди шундай ўзгаришлар тенденцияси ва интенсивлиги IgM бўйича ҳам аниқланди. Тимэктомиядан 1 ой кейинги натижа интакт оқ зотсиз каламушлар шу кўрсаткичидан 1,34 мартагача кам бўлгани ҳолда ($P < 0,05$), 3 ойлик муддатдан кейин унинг концентрацияси ишонарли ошиб, интакт ҳайвонлари кўрсаткичлари доирасида ($2,50 \pm 0,15$ г/л) бўлди – $P > 0,05$. IgM ҳам 1 ойлик муддатга нисбатан 3 ойлик муддатда ишонарли даражада 1,25 мартагача кўпайди ($P < 0,05$).

Тимэктомиядан кейин 3 ой ўтгач, лаборатория ҳайвонлари қон зардобидagi IgG концентрацияси бўйича ҳам айнан шу тенденция ва интенсивлик намоён бўлди.

Шу ўринда ҳар учала иммуноглобулинларнинг бир бирига нисбатини қиёсий тарзда келтириб ўтмоқчимиз – мос равишда IgA миқдори 1,0 га тенг деб олиниб, қолганлари (IgM, IgG) унга нисбатан келтирилди:

Назорат гуруҳи 1,00 : 1,21 : 9,06.

Тимэктомиядан 1 ой кейин 1,00 : 1,04 : 9,11.

Тимэктомиядан 3 ой кейин 1,00 : 1,17 : 9,86.

Кўриниб турибдики, иммуноглобулинларнинг бир бирига нисбати бўйича ўзгаришлар тенденцияси фарқ қилмаган, аммо ўзгаришлар интенсивлиги тафовутланган, бу ҳолат IgG миқдори бўйича аниқроқ ўз ифодасини топган.

IgE бўйича ҳам ўзгаришлар юқоридаги иммуноглобулинлар кўрсаткичларига ўхшаш бўлган, тимэктомиядан 1 ой ўтгач, унинг миқдори назорат параметрига нисбатан ишонарли равишда 1,16 мартага пасайган бўлса ($P < 0,05$), 3 ойдан кейин бу параметр интакт ҳайвонлар кўрсаткичлари чегарасида бўлди – $210,63 \pm 4,10$ ХБ/мл ($P > 0,05$). Бу иммуноглобулин бўйича ҳам ўзгаришлар юқоридаги параметрларга ўхшаш бўлди.

Шундай қилиб, тимэктомиядан 3 ой ўтгач, лаборатория ҳайвонлари қон зардобидagi иммуноглобулинлар концентрацияларини қиёсий ўрганиш шуни кўрсатдики, барча кўрсаткичлар 1 ойдан кейинги параметрлардан ишонарли даражада фарқли бўлди ($P < 0,05$). Бу кўпайиш IgA бўйича 1,13 мартани, IgM бўйича 1,27 мартани, IgG бўйича 1,22 мартани ва IgE бўйича бўлса 1,22 мартани ташкил этди. Барча кўрсаткичлар назорат гуруҳлари параметрлари доирасида бўлди ва шу кўрсаткичлардан ишонарли фарқ қилмагани билан ажралиб турди. Барча иммуноглобулинларнинг тадқиқот динамикасидаги ўзгаришлар тенденцияси ва интенсивлиги амалий жиҳатдан бир хил бўлди.

Хулосалар

Тимэктомиядан 3 ой ўтгач, иммуноглобулинларнинг қон зардобидagi кўрсаткичлари тўлиқ тикланиб, меъёр кўрсаткичларига етди. Бу ҳолат тимэктомиядан кейин иммун тизими ўз фаолиятини организмдаги компенсатор мослашув механизмлари, бир бирининг фаолиятини тўлдириш қобилияти амалга ошгани билан изоҳланди.